

Ёзги таътилда ёшлар бўш вақтларини мазмунли ва самарали ўтказишмоқда.



ЎзА олган суратлар



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ
ХИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

НОН ҲАҚИДА

Тўю-томошалар нон билан.

Уй молсиз бўлиши мумкин, аммо нонсиз бўла олмайди.

Нон бўлса, кўшиқ албатта бўлади.

Инсоннинг ўзи ҳам, кўнгли ҳам нон билан бардам.

Нон — табиатнинг энг олий инъоми-дир.

Нон — байналмилал тушунча, у миллат айирмайди.

Бир тўғрам нон — шунинг учун ҳам азизки, у вужудга келгунча қанчадан-қанча меҳнатни ўзига сингдирган.

Нон билан имон доимо бирга, шунга кўра, боболар нон тутиб қасам ичганлар.

Бахтининг қадрига етмагани — нонкўр дейдилар.

Юз хил неъмат ҳам бир ноннинг ўрнини боса олмайди.

Ўз меҳнатидан нон еган — миннатсиз яшайди.

Нонсиз одамга — гулдаста наҳоят?

Нон билан қасам ичувчи — поклигини исботловчи одамдир.

Нонни ҳурматлаганинг — имони бутун.

Нонни азизлаганинг — ўзи азиз.

Меҳнатсеварнинг — нони бутун.

БОДАБОЗЛИК ҲАҚИДА

Бодабозлик — ақлнинг қушандаси.

Бодабозлик — бахтсизликдир.

Бодабозлик — йўқчилик замини.

Бодабозлик — умрнинг тўрт фаслига ҳам қор ёғдиради.

Шаробнинг орқаси — саробдир.

Нашаванднинг усти бутуну, ичи тун.

Аччик ароқ — ширин ҳаётнинг заҳари.


Бадмаст — жамиятнинг ямоғи.

Боданинг хумори тубанликларга етаклайди.

Ақл, одоб, андиша ва ҳурмат деган дурдона сифатлар — бодабоздан мутлақо юз ўгирган.

Бодабоз — меҳру муҳаббатдан маҳрум.

(Давоми бор)



Ўзгирчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 16-21, кундузи — 32-37 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳрида бўлади.

28 июнь куни ҳаво ўзгариб туради, ёгинчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади.

Ўзгирчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади.

Ўзгирчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади.

Ўзгирчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади.

ЁШЛАРНИНГ БИЛИМЛАРИ ЯНАДА БОЙИТИЛДИ

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти томонидан Мирзо Улугбек туманидаги 190-мактабда фавқулдда вазиятларга тайёрланиш бўйича ёшлар ташаббускор гуруҳлари ўртасида ўқув машқларини тўғри бажариш борасида мусобақа ўтказилди.

ҳида Худойберганава. — Фаол йигит-қизларимиз ўзлари тайёрлаган эвакуация режаси файл-папкалари, фавқулдда вазиятларда иш режалари сценарийлари плакатларини намойиш этдилар. Турли фавқулдда ҳолатларнинг олдини олиш ва оқибатларни бартараф этиш юзасидан ўсмирларнинг гувоҳи бўлиш мумкин. Иштирок этган 5 та мактабларнинг ҳаммаси турли босқичлар бўйича галаба қозонганлигига сабаб, ҳар бир гуруҳ қатнашчилари ўз зиммаларидаги машқларни аъло даражада, чиройли бажаришди. Бу, билимларнинг

тўғри ва тўлиқ ўзлаштирилганлигининг яққол далилидир.

Хулоса ўрнида шунинг ҳам айтиб ўтиш кераки, мақсад юқори ўринларни қўлга киритиш эмас, балки, ёшларимизнинг тиббий маданиятини шакллантиришдир. Яъни, юртимиз фарзандларининг фавқулдда ҳолларга доимо тайёр туриши, жараҳатланганларга биринчи ёрдам кўрсата олишлари, уйда ётигла беморларга қараш, йўл-транспорт ҳодисаси юз берганда биринчи ёрдам кўрсата олишлари, ҳар қандай вазиятда мустақил фикр юрита олишлари юрт келажагининг порлоқ ва мустақам бўлишига замин яратиши шубҳасиздир.

Садоқат АСЛАНОВА

Сўлим гўшаларда

ТАБИАТИ ГЎЗАЛ ОРОМГОҲ

«Оқтош» дам олиш оромгоҳи «Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонаси тасарруфидда фаолият кўрсатмоқда.

Унинг 4,6 ва 8 хонали коттежлари дам олувчилар ихтиёрида. Мавсум олдидан бу турар-жойлар сўнгги русумда таъмирдан чиқарилди. Қурилуш-ободонлаштириш ишлари туфайли оромгоҳ ўзгача чирой очди.

— Агар дастлабки 2009 йилда 63 нафар алоқа ходими бу ерда дам олиб, ҳордиқ чиқарган бўлса, жорий йилнинг шу пайтигача 120 киши бизнинг хизматимиздан фойдаланди, — дейди унитар корхона директорининг ўринбосари Насибяхон Исмоилова. — Хоналар замонавий мебеллар билан жиҳозланиб, полига қирмизи гилалар тўшалган. Ошхонада овқат тайёрлаш учун плита, шаффа қозону тоғорадан тортиб, идиш-товоққача тахлаб қўйилган.

Дам олишга оилавий келиб, истанган таомни тайёрлаш имкони бор. Дарвоқе, олти хонали коттежни «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бир йилга ижарага олди, дея сўзида давом этди суҳбатдошимиз. Ходимлар йил давомида касабга уюшмаси йўлланмаси билан навбатма-навбат дам олишади. Меҳмонлар ошхонада ўзлари билан олиб келган озиқ-овқат маҳсулотларидан таом тайёрлаб, ҳар бир киши учун 45 минг сўмдан пул тўлашлари мумкин.

«Уником.Ўз» давлат унитар корхонаси жамоаси ҳам оромгоҳдаги катта коттежни бир йилга ижарага олди. Бу ерда яхши ҳордиқ чиқариш учун барча қулайликлар мўжайиб. Ота-онаси, фарзандлари билан дам олувчи алоқа ходимлари ҳам оромгоҳ рабариятидан миннатдор. Болалар ўйингоҳи кўпинча гавжум бўлади. Махсус қурилган сув ҳавзаси ҳам ишлаб турибди. Оромгоҳда маърифат-маънавият хонаси, компьютер синфи ҳам мавжуд.

Ақбар АЛИЕВ

Спорт янгиликлари

ДЕНИС ТУРНИРНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БОШЛАДИ

Мамлакатимизнинг биринчи рақамли ракетка устаси Денис Истомин Буюк Британияда ўтказилаётган энг нуфузли Уимблдон халқаро турниридаги иштирокини муваффақиятли бошлади.

Мукофот жамғармаси 14 миллион 600 минг фунт стерлинг бўлган маъмур турнирдаги бирин-

чи учрашувини ҳамюртимиз германиялик Филипп Кольшрайберга қарши ўтказиб, тўрт сет давом этган баҳсда 4:6, 6:3, 6:3, 6:3 ҳисобида рақибдан устун келди. Энди Денис кейинги босқичда АКШ вакили Марди Фишем билан куч синашади.

«БУНЁДКОР» ДАДИЛ ОДИМЛАМОҚДА

Мамлакат XX миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида 13-турнинг айрим учрашувлари бўлиб ўтди.

Амалдаги чемпион «Бунёдкор» жамоаси бу сафар «Жар» стадионида «Бухоро» командаси билан куч синашди. Очиғини айтганда, 90 дақиқа давом этган беллашув Миржалол Қосимов шогирдларининг тўлиқ устунлигида ўтди. Майдонда тўп билан эркин ҳаракат қилиш, тўпни жамоадошларига аниқ узатиб, чиройли комбинациялар уюштириш, рақиб дарвозаси олдида хавфли вазиятлар содир этишда меҳмонларга ҳеч қандай имкон қолдирмаган мезбонлар 3:0 ҳисобида зафар қучишди. Карпенко, Солиев, Трифунович голларга муаллифлик қилишди.

Қолган баҳслар куйидагича якунланди: «Навбахор» — «Нефтчи» — 0:2, «Шўртан» — «Сўғдиёна» — 3:2, «Динамо» — «Насаф» — 0:1.

ОЛИМПИАДАЛАРИМИЗ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

«Лондон — 2012» йўлланмаси учун курашаётган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси футболчилари олимпия ўйинларига саралаш турнирининг дастлабки босқичида Тошкентда Гонконг олимпия терма жамоасини 1:0 ҳисобида мағлуб этишганидан мухлисларнинг хабари бор албатта.

Куни кеча Гонконгда ҳар икки олимпия терма жамоалари саралаш турнирининг иккинчи учрашувида яна куч синашишди. Очиғини айтганда Тошкентда уюштирилган беллашув тенг курашлар остида кечган, гонконгликлар ҳам анча яхши ўйнашганди. Учрашув 1:0 ҳисобида ҳамюртларимиз фойдасига ҳал бўлган бўлсада, барибир сафарда ҳам олимпиячиларимиз галаба қозонишлари талаб этилар эди. Шу боисми, сафарда футболчиларимиз уюшган ҳолда сермазмун, ҳужумкор ўйин намойиш этишди. Бу ўз самарасини берди. Майдонда устунликка эришган ҳамюртларимиз учрашувнинг 2:0 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал бўлишини таъминлашди. Мезбонлар дарвозасини Мусаев ва Абдуҳолиқов аниқ нишонга ола билишди. Ушбу галаба олимпиячиларимизнинг навбатдаги босқичда курашишларига замин яратди.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ЗАФАР ҚУЧИШДИ

Айни кунларда шахримизда 1991 йилда туғилган ёшлардан таркиб топган Озарбойжон терма жамоаси футболчилари меҳмон бўлиб туришибди.

Маълумки, айнан 1991 йилда туғилган Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига иқтидорли мураббий Аҳмаджон Мусаев етакчилик қилади. Бироқ Мусаев айни кунларда Мексикада ўтказилаётган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Евстафеева кўмак бермоқда. Шу боис ҳам «Пахтакор» марказий стадионида Озарбойжон ёшлар терма жамоасига қарши кечган назорат-ўртоқлик учрашувида Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига Шухрат Мақсудов устозлик қилди. Айтиш жоизки, 90 дақиқа давом этган баҳс ҳамюртларимизнинг устунлигида кечди. Натижа ҳам шунга яраша, яъни беллашув 3:1 ҳисобида ёшларимизнинг галабаси билан якунланди. Дарвозаларга голларни Ўзбекистондан — Юсупов, Абдумўминов, Искандаров, Озарбойжондан — Замонов киритишди.

Энди Ўзбекистон — Озарбойжон ёшлар терма жамоалари ўртасидаги иккинчи ўртоқлик учрашуви Янгиер шаҳрида бўлиб ўтди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ



Бош муҳаррир
Ақмал АКРОМОВ

Манзилмиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бoshқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3885 нузда босилади.
Қоғоз белими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.